



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

Немис тили ва адабиёти кафедраси 403-гуруҳ талабаси  
Таджибаева Азизахоннинг “Немис тилида қўшма феъллар  
таснифи” мавзусида ёзган

# РЕФЕРАТИ

**Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Т.Умирзақова**

**Андижон 2015**

# **Мавзу: Немис тилида қўшма феъллар таснифи**

**Режа:**

**Кириш**

**I боб. Феъл ҳақида маълумот**

**II боб. Феълларнинг структурал классификацияси**

**III боб. Қўшма феъллар ва уларнинг гапда қўлланилиши**

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## Кириш

Юртимиз мустақилликка эришгач, адолат ҳамда юксалиш меъзонларини мужассам этган ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олди. Унинг туб моҳияти демократик ҳукукий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган кўламли ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ. Бунда эса, табиийки, аجدодларимиз фаолияти, ҳаёти, ўлмас мероси юксак марраларни кўзлаган ёшларимиз учун ибрат мактабидир.

Истиқлол йилларида боболарига муносиб авлодга таълим-тарбия беришда Ўзбекистон ибратга молик ислоҳотларни муваффақиятли тарзда ҳаётга татбиқ этмоқда. Етук интеллектуал салоҳиятли ёшларимиз инновацион ғоялари, лойиҳалари, ишланмалари билан мамлакатимизнинг жадал тараққиётини таъминлашга астойдил киришганлари ҳар бир соҳада кўзга яққол ташланмоқда.

Шак-шубҳасиз, ана шундай ёшларнинг билимли ва кенг дунёқараш соҳиби бўлиб шаклланишида Президентимизнинг таълим соҳасини тубдан янгилашга қаратилган ислоҳотлари мустаҳкам пойдевор бўлганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш даркор. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада тарихий аҳамиятга эга. Албатта, қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, кўзда тутилган марралар, орзу-ниятларнинг рўёбга чиқиши учун унинг ҳукукий асослари яратилган бўлиши лозим.

Фуқароларимизнинг сифатли таълим олишига оид ҳуқуқлари, аввало, Конституциямиз орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Чунончи, Асосий Қонунимизнинг 41-моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади”, дея қайд этилган. Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида таълим тизимини ислоҳ қилишга оид бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг қиёфаси кўркамлашиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилиши ёшларнинг чуқур билим эгаллаши, қизиқиши, имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда муносиб касб танлаши, шу орқали жамиятда ўз ўрнини эгаллашида муҳим омил бўлмоқда<sup>1</sup>.

Чет тилини ўрганишга бўлган талаблар ҳақида юртбошимиз И.А. Каримов ўз асарларида алоҳида тўхталиб ўтади. Айниқса, "Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" асарида Президентимиз хорижий тилларни ўрганишга бўлган талабларнинг ўсишига қуйидагича таъриф беради: "Бугун жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда ўз буюк келажагини кўраётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир"<sup>2</sup> дейди.

Мухтарам юртбошимизнинг ташаббуси билан ҳозирги кунда бизнинг мамлакатимизда чет тилларига бўлган эътибор янада кучаймоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг 2012 – йил 10 – декабрда қабул қилган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айнан мана шу катта ўзгаришларга асос бўлди.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция. “Халқ сўзи” газетаси Самарқанд 2014 йил 16 май

<sup>2</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.

Қарор 12 банддан иборат бўлиб, унинг 1 – бандида 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб: республиканинг барча ҳудудида чет тилларни ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланиши; олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб бориши; умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини чет тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-услубий комплекслар билан таъминлаш, уларни белгиланган муддатларга риоя этилган ҳолда қайта нашр этиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг айланма маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилиши ҳақида айтиб ўтилган. Ҳеч кимга сир эмаски, шу бандга асосан ҳозирда Ўзбекистон таълим тизимида қатор ўзгаришлар, ислохотлар юз бермоқда.

2013 – йилнинг биринчи ярмиданоқ 1 – синфлар учун дарсликлар тайёрланди. Ва айнан ўйин ва оғзаки нутқ дарслари шаклида дарслар ўтилади. Қувонарлиси шуки, бу нафақат шаҳарнинг ихтисослашган мактабларида, қолаверса, қишлоқнинг чекка ҳудудидаги таълим муассасаларида ҳам бирдек самара бера бошлади. Бунинг натижасида ҳозирги кун ёшлари кичик ёшданоқ ўз она тиллари билан бир қаторда, дунё тилларини ҳам параллел равишда ўрганиб, келгусида ҳеч қандай хатоларсиз, равон гапиришига пойдевор қўйилди.

Айрим мутахассисликларни ҳам чет тилида ўргатилиши, ижодкор ёшларимизни интилишларини муносиб рағбатлантиришни энг яхши йўли десак муболаға бўлмайди. Зеро, энди бизнинг авлодлар ҳам ўзларини яратувчан эканлигини, ҳеч бир юрт ёшларидан кам эмаслигини кўрсата олишлари мумкин. Ўзларини ихтироларини бутун дунёга уларнинг тилига ҳеч қандай таржимонсиз намоён этмоқликка имкониятни қўлга киритишди. Халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ чет

тилларни билиш даражасида чет тилларини ўргатилиши, худди 1 – тил каби чет тилларини ҳам пухта ўрганиш ва мулоқот қилишни янада осонлаштирди. Қарорнинг 6 – бандига кўра мақсадли олий ўқув юртига қабул қилиш йўлга қўйилди<sup>1</sup>.

Телевидение, шу жумладан маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб боришни амалга оширилиши эса боғчага бормайдиган болалар учун айти муддао бўлди. Қолаверса, мактаб ўқувчилари ҳам эндиликда бўш вақтларида мультфильм томоша қилиш орқали, ўзлари ўрганиб келаётган билимларини янада ошириши; мустаҳкамлаши қолаверса, малакалар ҳосил қилиш имкониятига эришди.

Тилни пухта эгаллаган, ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдалана оладиган, кенг тафаккурли мутахассисларни тайёрлашда, албатта, хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган олий ўқув юртларининг ўз ўрни бор.

Қувонарлиси шуки, яқин келажакда бизнинг ёшларимиз ҳар бири дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари билан ҳеч қандай таржимонсиз мулоқотга киришади. Зеро, **“Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам”**.

---

<sup>1</sup> 1. Каримов И. А. Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. Тошкент шаҳри, 2012-йил 10-декабрь.

## I боб. Феъл ҳақида маълумот

Предметнинг ҳаракат ёки ҳолатини билдирадиган сўз туркумига феъл дейилади. Грамматикада ҳаракат тушунчаси жуда кенг маънога эга бўлиб, *schlafen* (ухламоқ), *liegen* (ётмоқ), *stehen* (турмоқ) каби феъллар ифодаладиган ҳолатлар; *sich fürchten* (қўрқмоқ), *zusammensucken* (чўчитмоқ), *sich begeistern* (завқланмоқ) каби феъллар билдирадиган ҳис-туйғуларни; *aufblühen* (гулламоқ), *wachsen* (ўсмоқ) каби феъллар билдирадиган биологик жараёнларни ва шу каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиши билан бирга ҳаммаси учун умумий бўлган томони ҳам бор. Феълнинг асосий синтактик вазифаси гапда кесим бўлиб келишидир. Гапнинг бошқа бўлаклари вазифасида эса унинг номинал шакллари – сифатдош I-II ва инфинитив I-II кела олади. Немис тилида феъллар шахс, сон, замон, нисбат, майл категорияларига эга<sup>1</sup>.

Немис тилидаги қўшма феълларнинг ясалиши, уларнинг префиксация билан ўзаро муносабати ҳозиргача тортишув масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Қўшма феъллар деганда, биз феълнинг от, сифат, равиш, феълнинг ноаниқ шакли ва сифатдош билан бирикиб, бир лексик бирикма ҳосил қилишини тушунамиз. Бунда бирикмалар сўзнинг ички ва ташқи белгиларига эга бўлади. Лекин уларнинг сўз ясовчи негизи икки мустақил қисмдан иборат бўлади. Қўшма феъллар от негизларидан ясалган феълларга нисбатан анча кеч пайдо бўлган, асосан, “Neuhochdeutsch” даврида. Бу даврга келиб феълларнинг турли сифатлар, равишлар, отлар ва феълларнинг ноаниқ шакллари билан бирикиб қўшма феълни ташкил қилиш ҳоллари немис тилида анча кенг қўлланила бошлади. Сўз ясалишининг бу тури немис тилида анча сермахсул ҳисобланади ва уларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Қўшма феълларда биринчи бўлак иккинчи бўлакнинг маъносини аниқлаштириб беради. Ҳозирги замон немис тилида биринчи компоненти

---

<sup>1</sup> Ш.Қуванова. Немис тили грамматикасидан универсал қўлланма. Тошкент 2013, 98-бет.

сифат, равиш ва отдан иборат бўлган қўшма феъллар жуда кенг тарқалган.

Масалан, freilassen – озод қилмоқ, бўшатмоқ  
freisprechen – оқламоқ (айбни)  
gut gehen – иши юришмоқ  
schiefgehen – муваффақ бўлмаслик  
vollessen – ҳаммасини (тўла) емоқ  
wachliegen – уйғоқ ётмоқ  
wachbleiben – уйғоқ бўлмоқ (қолмоқ)  
ьbrig bleiben – ошиб қолмоқ  
heimkehren – уйга қайтмоқ  
zugьckkommen – қайтиб келмоқ  
bevorstehen – олдинда турмоқ  
achthaben – эътибор бермоқ  
gutheiЯen – маъқулламоқ  
losschlagen – урмоқ, зарба бермоқ  
teilnehmen – қатнашмоқ ва бошқалар.

Биринчи компоненти феълнинг ноаниқ шакли ёки сифатдошдан иборат бўлган қўшма феъллар анча кам учрайди. Масалан,

kennenlernen – танишмоқ  
haltenbleiben – тўхтаб қолмоқ;  
ьдngenbleiben – осилиб турмоқ  
stehenbleiben – тўхтамоқ  
bekanntmachen – таништирмоқ  
gelaufenkommen – чопиб, югуриб келмоқ  
verlorengehen – йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ

Бундан ташқари биринчи компоненти предлогли гуруҳдан иборат бўлган қўшма феъллар ҳам мавжуд. Масалан,

ьberhandnehmen – юқорига қўтарилмоқ  
zugrundelegen – асосига қўймоқ  
zustande kommen – амалга ошмоқ

insreinebringen – тоза, покиза қилмоқ ва бошқалар.

Қўшма феъллар ҳам бошқа барча феъллар каби иш-ҳаракат номини ва субъектнинг ҳолатини ифодалайди. Кўпчилик қўшма феълларда иккинчи компонент феъл қўчма маънода келади, яъни: Масалан,

gehen – schiefgehen, gut gehen

stehen – bevorstehen

tun – grosstun

geben – kundgeben – achtgeben

halten – haushalten ва бошқалар.

Немис тилида шундай қўшма феъллар ҳам борки, уларнинг ҳар икки компоненти қўчма маънода келади. Масалан,

überhandnehmen – zugrunde

Жуда кам ҳолатларда қўшма феълнинг ҳар иккала компоненти ўзларининг ҳақиқий тўла маъноларини сақлаб қолади, яъни: Масалан, sich, sattessen, wachliegen, heinkeren кабилар. Немис тилидаги жуда кўп қўшма феъллар кенг қўлланилади ва улар тил луғат таркибида ўзига хос мавқе ва аҳамиятга эга.

## II боб. Феълларнинг структурал классификацияси

**Феълларнинг семантик классификацияси**<sup>1</sup> (Die semantische Einleitung der Verben). Феъл туркумига мансуб сўзлар англатадиган маъносига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

*Мустақил феъллар (die Vollverben)*

*Ёрдамчи феъллар (die Hilfsverben)*

*Боглама феъллар (die kopulativen Verben)*

*Модал феъллар (die Modalverben)*

**Мустақил феъллар** ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади.

- а) иш-ҳаракатни ифодаловчи феъллар: *gehen, kommen, rennen, laufen*;
- б) ҳолатни ифодаловчи феъллар: *stehen, schlafen, liegen, sitzen*;
- в) бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни ифодаловчи феъллар: *einschlafen, eindösen, erwachen, erfrieren, lutschen, verblühen, sterben*.

**Ёрдамчи феъллар** немис тилида учта (*haben, sein, werden*) бўлиб, улар феълнинг қўшма замон шакллари ясада қўлланади. Бу феъллар ҳам, ўз навбатида мустақил маънога эга. Бироқ улар феълнинг қўшма замон шаклларида қўлланганда ўзининг туб маъносини йўқотади ва ёрдамчи феъл функциясига ўтади. Шунинг учун мазкур феъллар ёрдамчи феъллар деб юритилади. Улар бу функцияда феълнинг замонини, шахсини, сонини ва даражасини ифодалаб келади. Бу феъллар ёрдамчи функцияда келганда ўзбек тилига таржима қилинмайди, мустақил маънода келганда эса таржима қилинади: Масалан,

Ich **habe** interessante Bücher – Менда қизиқарли китоблар **бор**.

Er **hat** mir **geholfen** – У менга **ёрдам берди**.

Ich habe gelesen – (Перфект)

Ich werde lesen - (Футурум)

Ich bin gekommen – (Перфект)

<sup>1</sup> Ш.Қуванова. Немис тили грамматикасидан универсал қўлланма. Тошкент 2013, 99-бет.

**Sein, werden, bleiben, heiben** ва шунга ўхшаш айрим феъллар гапда боғлама вазифасида қўлланиб, предикативни эга билан боғлаш учун хизмат қилади ва от кесимнинг замони, шакли, шахси, сони ва майлини ифодалайди, шунинг учун боғлама феъллар деб юритилади: Масалан,

Er **ist** hier – У шу ерда.

**Модал феъллар** мустақил феъллар каби ҳаракат ва ҳолатни билдирмай, балки эганинг ҳаракат ёки ҳолатга нисбатан фаолиятини ифодалайди: Масалан, Er **darf** hier sitzen.

**Феълларнинг синтактик классификацияси** (Die syntaktische Einteilung der Verben). Гапда қўлланиш ҳаракатига кўра синтактик жихатдан субъектив ва объектив (subjektive und objektive Verben) феъллар, шахсли ва шахсиз (persönliche und unpersönliche Verben), ўтимли (transitive) ва ўтимсиз (intransitive) феъллар турига бўлинади.

Субъектив феъллар (*kommen, erwachen, liegen, stehen, aussteigen, fallen*) кабилар тўлдирувчи талаб қилмайди. Объектив феъллар тўлдирувчи билан қўлланади. Улар тўлдирувчи воситали келишиклардан бирида предлогсиз ёки предлог билан туришини талаб қилади:

*bedürfen, sich erinnern, sich Bemöchtigen, gedenken* – Genitiv;

*folgen, begegnen, beiwohnen, beitreten, zuhören, zukommen* – Dativ;

*finden, anrufen, betrachten, zerreißen, betreten* – Akkusativ;

*tröumen (von+Dat), sich freuen (auf, ьber+Akk), teilnenehmen (an+Dat),*

*bestehen (aus+Dat), arbeiten (an+Dat)* кабилар.

Масалан, Wir nehmen an der Konferenz teil.

Unsere Gruppe besteht aus neuen Studenten.

Аккузатив келишигини талаб қилувчи феъллар объектив феълнинг алоҳида бир гуруҳини ташкил қилади. Бу феъллар ҳаракатнинг предметга бевосита ўтишини билдиргани учун ўтимли феъллар (die transitiven Verben) деб аталади. Аккузатив келишигини талаб қилмайдиган объектив ва субъектив феъллар ўтимсиз феъл (die intransitiven Verben) деб юритилади.



Тузилишига кўра феъллар содда (die einfachen Verben), ясама (die abgeleiteten Verben) ва кўшма феълларга (die zusammengesetzten Verben) бўлинади.

**Содда феъллар** биргина ўзакдан иборат бўлади: loben, lernen, schreiben, denken, wachsen, bauen каби.

**Кўшма феъллар** икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлади. Улар от+феъл, феъл+феъл, сифат+феъллардан ясалади. Масалан, teilnehmen, stattfinden, freisprechen, stehenbleiben, verlorengelassen кабилар.

Кўшма феълларда бош урғу ҳар доим биринчи компонентга тушади. Шунинг учун феълнинг мазкур қисми ажраладиган олд кўшимчалардек гапнинг охирида келади.

**Ясама феъллар** асосан олд кўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинади. Олд кўшимчалар қўлланишига кўра иккига: *ажраладиган ва ажралмайдиган олд кўшимчаларга* бўлинади.

**be-, ge-, er-, ver-, zer-, ent-, emp-, miß-** каби префикслар ажралмайдиган олд кўшимчалар (die untrennbaren Vorsilben) ҳисобланади. Уларга урғу тушмайди, шунинг учун улар феълдан ажралмаган ҳолда қўлланади: *bekommen, erfahren, verbringen, zerschneiden, entfallen, mißlingen* кабилар.

Масалан, Ich **bekomme** von ihm keine Briefe.

**auf-, an-, aus-, ab-, bei-, ein-, vor-, zu-** каби префикслар ажраладиган олд кўшимчалар ҳисобланади. Уларга бош урғу тушади, шунинг учун олд кўшимчалар феълдан ажралган ҳолда қўлланади: *aufnehmen, ausdrücken, ablegen, einladen, zunehmen* кабилар.

Масалан, Das Kind **schl**uft um zehn Uhr **ein**.

**um-, durch-, über-, unter-, wider-** каби олд кўшимчалар урғу олганда феълдан ажралади, урғу олмаганда эса ажралмайди.

Олд кўшимчанинг ажралиш – ажралмаслиги феъл мазмунига таъсир қилади: *umgehen* (mit+D.) – муомала қилмоқ

*umgehen* – айланиб ўтмоқ

*durchgehen* – ўтмоқ, қочиб кетмоқ

durch`gehen – ўтмоқ (ўрмондан ва шу кабилар)

`bersetzen – ўтказиб қўймоқ

ber`setzen – таржима қилмоқ

`unterwerfen – ташламоқ, ирғитмоқ

unter`werfen – бўйсундирмоқ, қул қилмоқ

Мисоллар, Die Studenten **bersetzen** den Text.

Der Bootführer **setzt** den Reisenden ans andere Ufer **ber**.

Баъзи сўзларда урғу фақат олд қўшимчага ёки феъл ўзагига тушади:

`untergehen

um`ringen

wieder`stehen

`durchlesen

**Феълларнинг морфологик классификацияси** (Die morphologische Einteilung der Verben). Немис тилида барча феъл замонлари феълнинг уч асосий шаклидан ясалади. Феълнинг уч асосий шакли (drei Grundformen) ҳамма феълда бир хил ясалмайди. Мана шу шаклнинг ясалишига кўра ва морфологик нуқтаи назардан феъллар куйидаги турларга бўлинади:

1. *Кучли феъллар (die starken Verben)*

2. *Кучсиз феъллар (die schwachen Verben)*

3. *Презенсда умлаутга эга бўла оладиган кучсиз феъллар (die schwachen Verben mit dem Präsensumlaut)*

4. *Претерито – презентиа феъллари (Die Verben Präterito Präsens)*

5. *Номўзри тусланадиган феъллар (Die unregelmäßigen Verben)*

Феълнинг уч асосий шаклига **Infinitiv**, **Präteritum**, **Partizip II** киради.

**1. Кучли феъллар (die starken Verben).** Кучли феъллардан уч асосий шакл ясалганда Präteritumда ҳеч қандай қўшимча олмайди, феъл ўзагидаги унли товуш ўзгаради. Унли товушларнинг ўзгариши барча кучли феълларда бир хил бўлмагани учун кучли феъллар ўзагидаги унлиларнинг ўзгаришига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади. Бундай гуруҳлар *аблаут қаторлари* деб

юрителиди. Улар ҳозирги немис тилида саккизта. Partizip II да эса **ge-** олд қўшимчасини ва **-en** суффиксини олади.

### Биринчи қатор

Бу қаторнинг характерли белгиси инфинитивдаги **ei** дифтонгининг имперфект ва сифатдош II да чўзиқ **ie** га ёки қисқа **i** га айланишидир:

| <b>Infinitiv</b> | <b>Imperfekt</b> | <b>Partizip II</b> |
|------------------|------------------|--------------------|
| <b>Ei</b>        | <b>Ie, i</b>     | <b>ie, i</b>       |
| Schreiben        | schrieb          | geschrieben        |
| Bleiben          | blieb            | geblieben          |

### Иккинчи қатор

Иккинчи қаторда инфинитивдаги **ie** имперфект ва сифатдош II да чўзиқ ёки қисқа **o** га айланади:

| <b>Infinitiv</b> | <b>Imperfekt</b> | <b>Partizip II</b> |
|------------------|------------------|--------------------|
| <b>Ie</b>        | <b>o</b>         | <b>o</b>           |
| Biegen           | bog              | gebogen            |
| Fliegen          | flog             | geflogen           |

### Учинчи қатор

Инфинитивда феъл ўзаги қисқа **e** ёки **i** унлисининг имперфектда қисқа **a** унлисига, сифатдош II да қисқа **o** ёки **u** унлисига ўзгариши бу қаторнинг характерли белгисидир. Учинчи қатордаги феълларда ўзагидаги унли товушдан кейин **l, r, n** ундошлари ва **nn, mm** жуфт ундошлари келади:

| <b>Infinitiv</b> | <b>Imperfekt</b> | <b>Partizip II</b> |
|------------------|------------------|--------------------|
| <b>E</b>         | <b>a</b>         | <b>o</b>           |
| <b>I</b>         | <b>a</b>         | <b>u</b>           |
| <b>I</b>         | <b>a</b>         | <b>o</b>           |
| Helfen           | half             | geholfen           |
| Singen           | sang             | gesungen           |

|          |        |          |
|----------|--------|----------|
| Gewinnen | gewann | gewonnen |
|----------|--------|----------|

### Тўртинчи қатор

Тўртинчи қаторга хос хусусият инфинитивда чўзиқ ёки қисқа **е** унлисининг имперфектда чўзиқ **а** унлисига, сифатдош II да чўзиқ ёки қисқа **о** унлисига ўзгаришидир. Бундай феълларда ўзакдаги унли товушдан олдин ёки кейин сонорлар келган бўлади:

| <b>Infinitiv</b> | <b>Imperfekt</b> | <b>Partizip II</b> |
|------------------|------------------|--------------------|
| <b>E</b>         | <b>a</b>         | <b>o</b>           |
| Nehmen           | nahm             | genommen           |
| Sprechen         | sprach           | gesprochen         |

### Бешинчи қатор

Бешинчи қаторда инфинитив ва сифатдош II даги қисқа ёки чўзиқ **е** унлиси имперфектда чўзиқ **а** унлисига ўзгаради:

| <b>Infinitiv</b> | <b>Imperfekt</b> | <b>Partizip II</b> |
|------------------|------------------|--------------------|
| <b>E</b>         | <b>a</b>         | <b>e</b>           |
| Geben            | gab              | gegeben            |
| Sehen            | sah              | gesehen            |

### Олтинчи қатор

Инфинитив ва сифатдош II даги қисқа ёки чўзиқ **а** унлисининг имперфектда чўзиқ **u** унлисига ўзгариши бу қатор учун хос хусусиятдир:

| <b>Infinitiv</b> | <b>Imperfekt</b> | <b>Partizip II</b> |
|------------------|------------------|--------------------|
| <b>A</b>         | <b>u</b>         | <b>a</b>           |
| Fahren           | fuhr             | gefahren           |
| Graben           | grub             | gegraben           |

### Еттинчи қатор

Бу қаторда инфинитив ва сифатдош II даги **a, u, o, au, ei** унли ва дифтонглари имперфектда чўзиқ **ie** ёки қисқа **i** унлисига ўзгаради:

| <b>Infinitiv</b>       | <b>Imperfekt</b> | <b>Partizip II</b>     |
|------------------------|------------------|------------------------|
| <b>a, u, o, au, ei</b> | <b>ie, i</b>     | <b>a, u, o, au, ei</b> |
| Heißen                 | hieße            | geheißen               |
| Rufen                  | rief             | gerufen                |

### Саккизинчи қатор

Бу қаторнинг характерли белгиси инфинитивда чўзиқ ёки қисқа **e, i, a, d, c** каби унлиларнинг имперфект ва сифатдош II даги чўзиқ ёки қисқа **o** га айланишидир:

| <b>Infinitiv</b>     | <b>Imperfekt</b> | <b>Partizip II</b> |
|----------------------|------------------|--------------------|
| <b>E, i, a, d, c</b> | <b>o</b>         | <b>o</b>           |
| Heben                | hob              | gehoben            |
| Lügen                | log              | gelogen            |

Ҳозирги немис тилида кучли феъллар ҳисобига кучсиз феъллар кўпайиб бормоқда, яъни илгари кучли тусланиб келган айрим феъллар ҳозир ҳам икки шаклда тусланмоқда:

saugen – sog – gesogen

saugen – saugte – gesaugt

Бундай феълларнинг баъзилари, чунончи, *hinken, verhehlen* каабилар эса кучли феъллар билан алоқасини бутунлай узиб, кучсиз феъллар гуруҳига ўтиб қолган.

Айрим феъллар ўзининг имперфект шаклини икки хил – ҳам кучли, ҳам кучсиз феъллардек ясайди. Уларнинг сифатдош II шакли ё кучли, ёки кучсиз феълларникига ўхшаш бўлади:

stecken – stack – gestackt

stecken – steckte – gesteckt

Баъзи феълларнинг имперфект шакли кучсиз ясалади, сифатдош II шакли эса ҳам кучли, ҳам кучсиз феълларникига ўхшаш бўлади:

salzen – salzte – gesalzen

salzen – salzte – gesalzt

Айрим ҳолларда феълнинг кучли ёки кучсиз гуруҳга кириши унинг ўтимли ёки ўтимсиз бўлишига ҳам боғлиқдир. Ўтимли феъл, одатда, кучсиз, ўтимсиз феъл эса кучли гуруҳга киради:

hdngen – hdngte – gehdngt

hdngen – hing – gehangen

**2. Кучсиз феъллар (Die schwachen Verben).** Тарихан немис тилидаги феълларнинг жуда кўп қисми кучсиз тусланиш системасига мансуб. Шунинг учун немис тилида кучсиз феъллар сон жиҳатидан кучли феъллардан бирмунча кўп бўлиб, янгидан ясалаётган феълларнинг кўпчилиги ана шу гуруҳга мансуб бўлмоқда. Тусланишнинг бу турига кўпчилик феъллар ва бошқа сўз туркумлари негизидан ясалган феъллар киради. Кучсиз тусланадиган феъллар ўзининг бир қанча махсус белгиларига эга:

а) кучсиз феъллардан уч асосий шакл ясалганда ўзаги ўзгармайди; уларда ички флексия йўқ: *fragen – fragte – gefragt*;

б) кучсиз феъллардан уч асосий шакл ясалгандаги муҳим белгиси шундаки, улар претеритумда феъл **-(e)te** қўшимчасини, партицип II да эса **ge-** олд қўшимчаси ва **-(e)t** суффиксини олади;

в) агар феъл ўзаги **d, t** ёки бир ундошнинг **m, n** бурун товушлар бирикмаси билан (**dm, tm, dn, gn, chn**) га тугаса, у вақтда **-ete, -et** суффиксларини олади: *arbeiten – arbeitete – gearbeitet*

Эслатма:

а) **be-, ge-, er-, ver-, zer-, ent-, emp-, miß-** каби префикслар бўлган ва **-ier** суффиксига тугаган феълларнинг сифатдош II шакли ясалишига **ge-** префикси тушиб қолади.

begegnen – begegnete – begegnet

studieren – studierte – studiert

entnehmen – entnahm – entnommen

existieren – existierte – existiert

б) **auf-, an-, aus-, ab-, bei-, ein-, vor-, zu-** ва шу каби ажраладиган олд кўшимчали феъллардан уч асосий шакл ясалганда ажралувчи олд кўшимча претеритумда феълдан ажралган ҳолда, сифатдош II да эса **ge-** префикси ажралувчи олд кўшимча ва феъл ўртасида келади.

aufnehmen – nahm auf – aufgenommen

ausarbeiten – arbeitete aus – ausgearbeitet<sup>1</sup>

**Феълнинг грамматик категориялари** (Die grammatischen Kategorien des Verbs). Феъл туркумига мансуб сўзлар ҳаракат ёки ҳолатни англатаркан, уларнинг кўпчилик шаклларида шу ҳаракат ёки ҳолатни бажарувчи шахсга бўлган муносабат ифодаланади. Мана шу ҳаракатни бажарувчи сўзловчининг ўзи ёки бирон бошқа шахс бўлиши мумкин. Бу нарса феълнинг шахс ва сон категорияларида ўз ифодасини топади.

**Шахс категорияси** (Die Kategorie der Person). Феълда шахс категориясининг мавжудлиги унинг бошқа сўз туркумларидан фарқ қилувчи асосий белгиларидан биридир. Феълда уч шахс бор: I шахс (die erste Person) **сўзловчи** (die redende Person), II шахс (die zweite Person) **тингловчи** (die angeredete Person), III шахс (die dritte Person) **ўзга** (von der geredet wird).

**Шахсли ва шахссиз феъллар** (die persönlichen und unpersönlichen Verben). Ҳар учала шахсда қўлланадиган феъллар шахсли феъллар дейилади. Бундай феълларга *kommen, nehmen, geben, lesen* кабилар киради.

Фақат учинчи шахс бирликда қўлланиб, **es** шахссиз олмоши билан келган феъллар шахссиз феъллар дейилади. Шахссиз феъллар табиатда юз берадиган воқеа – ҳодисаларни ифодалайди: *es regnet, es donnert, es hagelt, es taut, es blitzt, es dämmert*.

Баъзи шахсли феъллар шахссиз феъл бўлиб ҳам келиши мумкин. Бундай ҳолларда феълнинг мазмуни ҳам ўзгаради:

---

<sup>1</sup>С.Саидов, Ғ.Зикриллаев. “Немис тили грамматикаси” Т. 1973

Gehen – es geht

Geben – es gibt

Samat **geht** zum Unterricht.

Er **gibt** mir ein Buch.

Im Institut **gibt** es eine Mensa.

**Сон категорияси** (Die Kategorie der Zahl). Феълда икки хил сон: **бирлик** (der Singular) ва **кўплик** (der Plural) мавжуд. Феълда сон махсус кўшимчалар воситасида ҳосил қилинмайди. Шахс кўшимчалари сон маъносини ҳам англатади, шунинг учун улар шахс-сон кўшимчалари деб юритилади.

**Замон категорияси** (Die Kategorie der Zeit). Феълдан англашилган ҳаракат нутқ моментида олдин, ундан кейин ёки у билан бир пайтда бўлиши мумкин. Ана шу нарса феълнинг замон категорияси билан ифода этилади. Феълда уч хил замон мавжуд: ҳозирги замон (die Gegenwart) буни ифодалаш учун презенс, ўтган замон (die Vergangenheit) буни ифодалаш учун претеритум, перфект, плюсквамперфект ва келаси замон (die Zukunft) буни ифодалаш учун футурум I, II қўлланади.

**Майл категорияси** (Die Kategorie des Modus). Феълнинг майл категорияси орқали иш-ҳаракатнинг воқеликка бўлган муносабати реаллик, буйруқ, истак тарзида баён қилинади. Немис тилида феълнинг аниқлик майли (der Indikativ), буйруқ майли (der Imperativ) ва шарт майли (der Konjunktiv) бор.

**Нисбат категорияси** (Die Kategorie des Modus). Ҳаракатни бажарувчи шахс (subjekt) билан шу ҳаракат қаратилган предмет (objekt) ўртасидаги муносабат феълнинг нисбат категориясида ифодаланади. Немис тилида феъл нисбатлари учта: аниқ нисбат (das Aktiv), мажхул нисбат (das Passiv), ҳолат нисбат (das Stativ).

### III боб. Қўшма феъллар ва уларнинг гапда қўлланилиши

Немис тилидаги қўшма феълларнинг ясалиши, уларнинг префиксация билан ўзаро муносабати ҳозиргача тортишув масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Қўшма феъллар деганда, биз феълнинг от, сифат, равиш, феълнинг ноаниқ шакли ва сифатдош билан бирикиб, бир лексик бирикма ҳосил қилишини тушунамиз. Бунда бирикмалар сўзнинг ички ва ташқи белгиларига эга бўлади. Лекин уларнинг сўз ясовчи негизи икки мустақил қисмдан иборат бўлади. Қўшма феъллар от негизларидан ясалган феълларга нисбатан анча кеч пайдо бўлган, асосан, “Neuhochdeutsch” даврида. Бу даврга келиб феълларнинг турли сифатлар, равишлар, отлар ва феълларнинг ноаниқ шакллари билан бирикиб қўшма феълни ташкил қилиш ҳоллари немис тилида анча кенг қўлланила бошлади. Сўз ясалишининг бу тури немис тилида анча сермахсул ҳисобланади ва уларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Қўшма феълларда биринчи бўлак иккинчи бўлакнинг маъносини аниқлаштириб беради. Ҳозирги замон немис тилида биринчи компоненти сифат, равиш ва отдан иборат бўлган қўшма феъллар жуда кенг тарқалган. Масалан,

freilassen – озод қилмоқ, бўшатмоқ:

Herr Müller wurde nach fünf Jahren freigelassen.

freisprechen – оқламоқ (айбни):

Mein Bruder wurde aus mangelnde Beweise freigesprochen.

gut gehen – иши юришмоқ:

schiefgehen – муваффақ бўлмаслик:

Nach dem Krieg ist die Firma „Siemens“ schiefgegangen.

vollesen – ҳаммасини (тўла) емоқ:

Klaus hatte Vdrenhungel und hat die Speise vollgegessen.

wachliegen – уйғоқ ётмоқ:

Obwohl es Mitternacht war, lag Monika im Bett wach.

wachbleiben – уйғоқ бўлмоқ (қолмоқ):

Es war zu spdt. Trotzdem blieb sie stundenlang wach.

ьbrig bleiben – ошиб қолмоқ;

Ich habe die Geschenke bruderlich verteilt, trotzdem blieb einige ьbrig.

heimkehren – уйга қайтмоқ;

Nach vielen Jahren hatte ich endlich Мцlichkeit, heimzukehren.

zurьckkommen – қайтиб келмоқ;

Er war in der Dienstreise und kam nach einer Woche zurьck.

bevorstehen – олдинда турмоқ;

Im ндchsten Jahr steht es viele Schwierigkeiten vor dem Staat bevor.

achthaben – эътибор бермоқ;

Der Staat hat auf die Ausbildung in der Republik acht.

gutheiЯen – маъқулламоқ;

Die Regierung heiЯt den BeschluЯ ьber die Zusammenarbeit gut.

losschlagen – урмоқ, зарба бермоқ;

China hat mit seiner Absage auf Russland losgeschlagen.

teilnehmen – қатнашмоқ;

Die Studenten haben an der Versammlung des Dekans teilgenommen.

Биринчи компоненти феълнинг ноаниқ шакли ёки сифатдошдан иборат бўлган қўшма феъллар анча кам учрайди. Масалан,

kennenlernen – танишмоқ;

Ich habe im Sommer mit einer ausлndischen Lehrer kennengelernt.

haltenbleiben – тўхтаб қолмоқ;

Das Auto blieb an dem Kaufhaus halten.

лдngenbleiben – осилиб турмоқ;

Die Katze blieb auf dem Baum лдngen.

stehenbleiben – тўхтамоқ;

Das Мдdchen blieb vor der Тьr vor Schreck stehen.

bekanntmachen – таништирмоқ;

Der Tutor machte alle Studenten mit dem Programm bekannt.

gelaufenkommen – чопиб, югуриб келмоқ:

Das Kind ist der Mutter entgegen gelaufengekommen.

verlorengehen – йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ:

Das Kind ist auf dem Markt verlorengegangen.

## Хулоса

Кўриниб турибдики, ҳозирги кунда чет тилини кўпчилик зўр қизиқиш ва кунт билан ўрганмоқдалар. Ёшларимиз орасида битта эмас иккидан ортиқ чет тилини ўрганиш одат тусига кириб бормоқда. Чет тилини ўрганувчиларга барча шароитлар яратилмоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги **“Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори барча чет тил мутахассисларига улкан имкониятлар эшигини очди.

Чет тилларни ўрганишда узвийлик ва узлуксизлик тамойили амалиётда кенг қўлланмоқда. Бунинг исботи сифатида боғчаданоқ болаларга чет тилини ўргатиш тизими йўлга қўйилганлигини келтириш мумкин. Мактабларда бошланғич синф ўқувчилари чет тилида маълум фаол сўзларни, санашларни, кундалик ҳаётимизда кўпроқ ишлатиладиган клишелар, саломлашиш ва ўзини таништиришда қўлланиладиган содда ва лўнда қурилмаларни қизиқиб ўрганмоқдалар. Мактабгача муассасаларда тарбияланаётган кичик ёшдаги болаларга махсус қўлланмалар, расмли китоблар, компьютерлаштирилган услубий қўлланмалар ва бошқа ўқув-услубий материаллар нашрдан чиқарилмоқда.

Айниқса, телеэкранларда болажонлар учун махсус чет тили дарслари ташкил қилиниши фақат таҳсинларга сазовор тадбирдир. Булардан ташқари касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва олий таълим талабаларига чет тили дарс соатлари кўпайтирилди ва илғор методлар ҳамда коммуникатив йўналишга асосланган, янги яратилган замонавий чет тили дарсликлари ва бошқа қўшимча ўқув услубий воситалар ўрганилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар академияси ва Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти – Кембриж университети билан биргаликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда.

2014 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб юртимизда, юқорида зикр этилганидек, Жанубий Кореянинг Инха университети филиали фаолият кўрсатади, унинг асосий йўналишини ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер муҳандислиги соҳасидаги таълим ташкил этади.

Ёшларимизнинг минглаб иқтидорли вакиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмоқда, бу эса уларнинг билим ва малакасини оширишда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда<sup>1</sup>.

Чет тилини ўрганишда аввало, ҳар бир ўқувчи ўша тилнинг грамматикаси ва луғат бойлигига эътибор қаратиши керак. Грамматика бу ўша фаннинг юраги ҳисобланади. Чет тилини ўрганиш давомида кўпроқ машқлар бажариш, тинглаш, сўзлар ёдлаш ва қоидаларни ҳам пухта ўрганиш керак бўлади. Биз ўрганаётган немис тили грамматикаси бошқа чет тилларга қараганда биров мураккаброқ тузилган. Юқорида ёритилган мавзудан кўриниб турибдики, биргина феълнинг турли хил кўринишлари бор. Мавзуни ёритиш давомида немис тили мутахассисларининг грамматикага асосланган китобларидан ва профессор – ўқитувчиларнинг берган маслаҳатлари ёрдамида қўшма феълларни ёритишга ҳаракат қилдим.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция. “Халқ сўзи” газетаси Самарқанд 2014 йил 16 май

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И. А. Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. Тошкент шаҳри, 2012-йил 10-декабрь.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
3. И.А.Каримов. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция. “Халқ сўзи” газетаси Самарқанд 2014 йил 16 май
4. Ш.Қуванова. Немис тили грамматикасидан универсал қўлланма. Тошкент, 2013.
5. С.Саидов, Ғ.Зикриллаев. “Немис тили грамматикаси” Тошкент, 1973.
6. [www.google.ru](http://www.google.ru)